Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

18 июль 1972 йил, сешанба ◆ № 166 (15.337). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР—50

МОЛДАВИЯ ҲАФТАЛИГИ

МОЛДАВИЯ ССР СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИГА ҚУШИЛГАНИГА 32 ЙИЛ БЎЛДИ. ТАРИХАН ШУ ҚИСҚА ДАВРДА МОЛДАВАН ХАЛҚИ ФАШИСТЛАР ГЕРМАНИЯСИ БОШЛАГАН ҚОНЛИ УРУШНИНГ НИҲОЯТДА ОҒИР АСОРАТЛАРИНИ ТУГАТИБГИНА ҚОЛМАЙ, БОШҚА ҚАРДОШ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ХАЛҚЛАРИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ, ДЎСТОНА МАДАДИ ВА ҲАР ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИ ТУФАЙЛИ ҚОЛОҚ АГРАР ЎЛКАДАН РИВОЖЛАНГАН, ИНДУСТРЛАШГАН РЕСПУБЛИКАГА АЙЛАНДИ.

БУГУН ГАЗЕТАМИЗДА ССР ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ТОПГАНИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ҚАРДОШ МОЛДАВИЯ ССР ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ. УНДА МЕҲНАТСЕВАР МОЛДАВАН ХАЛҚИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИ ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК ОИЛАСИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ, КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДАҒИ ФИДОКОРОНА ВА МАРДОНАВОР МЕҲНАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Республика партия–хўжалик активининг йиғилиши

17 июлда Тошкентда республика қурилиш, бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси ва лойиҳалаш институтлари ходимларининг партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари орасида область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари раисларининг капитал қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, касаба союзлари ва комсомол органларининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бор.

Қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективларининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятлари 1972 йилнинг биринчи ярмида бажариш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. К. Михайлов, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Х. М. Носиров, «Главташкентстрой» 159-трести ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи А. Н. Янушкевич, республика қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Қувасой цемент комбинатининг ишчиси Е. В. Трофимова, Сирдарё область партия комитетининг секретари Р. С. Қосимов, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Ғ. С. Собиров, «Главташкентстрой» бошлиғи Г. М. Саркисов, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 166-қурилиш трестининг бошқарувчиси В. Т. Стефанюк, республика енгил саноат министри Ф. Хўжаев «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари Е. И. Озерский, Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри В. Содиқов, «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси С. А. Омеров сўзга чиқдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан чиқарилган қарорда қурилиш ишлари суръатини янада тезлаштириш ва сифатини ошириш, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари А. Д. Бесчастнов, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

Молдавия ССРнинг пойтахти Кишинёв шаҳридаги ғалаба майдони.

В. САДЧИКОВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БУЗИЛМАС ҚАРДОШЛИК

П. А. ПАСКАРЬ,
Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлиги 50 йиллиги буюк байрамини шон-шуҳрат ва улуғворлик билан кутиб олаётган кўп миллатли халқимиз ишонч билан бардам қадам ташлаётир. Шу кунларда янги-янги зафар шодиёналари авж олмоқда, ҳамма ерда ва ҳамма ишда КПСС XXIV съезди белгилаб берган программани амалга ошираётган коммунизм бунёдкорларининг фикр-ўйлари билан ишларининг бирлиги сезилиб турибди. Бу Программанинг бажарилиши, деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев касаба союзларнинг XV съездида «Ватанимиз коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришда, социал муносабатларни такомиллаштиришда, ўзининг иқтисодий потенциалини ва халқаро позицияларини мустаҳкамлашда яна бир катта қадам қўйишини» билдиради.

Совет кишиси ҳар сафар бепоён Ватанимизни дилидан ўтказаётиб улкан коммунистик қурилиш нафасига қулоқ солар экан, Советлар мамлакатида яшаш ва ишлаш, зиммасига инсониятнинг порлоқ келажаги сари биринчи бўлиб йўл очишдек тарихий вазифа тушган қудратли халққа мансублик бахт-саодати нақадар улуғворлигини яна бир марта ҳис этади.

Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг фарзанди—совет Молдавияси ҳам совет республикалари ёркин юлдуз туркумида СССРнинг ярим асрлик юбилейи сари бормоқда.

Совет Иттифоқининг ташкил этилиши бошқа барча қардош халқлар сингари молдаван халқи учун ҳам ҳаётни социалистик асосда қайта қуриш, экономика ва маданиятни юксалтириш учун қулай шарт-шароитлар таъминлаб берган ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди. Халқимиз кўп миллатли социалистик давлатни яратишда жуда катта хизмат қилган партия билан халқ йўлбошчиси Владимир Ильич Ленинга бўлган миннатдорчилик ва меҳру-муҳаббатини асрлар ва минг йилликлар оша таъкидлайверади.

Молдаван халқининг тақдири, унинг миллий совет давлат тузуми яратилиши, унинг социал ва маънавий тараққиёт чўққилари сари мардона чиқиб бораётганлиги ҳам жаҳонда биринчи ишчи-деҳқон давлати ташкил этилиши билан чамбарчас боғланган.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» қабул қилган қарорида моддий маблағ ва кучларнинг бир жойга йиғилиши, совет халқларининг ўзаро беғараз ёрдами барча республикаларда юксак даражада ривож топган саноат ва механизациялашган улкан қишлоқ хўжалигини вужудга келтиришга имкон берганлиги айтилади. Партиянинг шу ҳужжатида баён этилган фикрлар нақадар аниқ ва тўғри эканлигини Молдавия тимсолида яққол кўриб қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Ўлкамиз совет тузумига қадар чор Россиясининг Европадаги қолоқ ўлкаларидан бири эди. Халқнинг ғоят кўпчилиги саводсиз, ҳақ-ҳуқуқсиз эди. Ўлканинг саноат потенциали деб аталмиш потенциали ҳатто ўша вақтлардаги тушунчага кўра ҳам ғоятда заиф бўлиб, кустар ва ярим кустаж устаханалар ва кичик-кичик корхоналардан иборат эди, буларда машаққатли ва кам ҳақ тўланадиган қўл меҳнатидан фойдаланларди. Қишлоқ хўжалиги жуда ибтидоий усулда олиб борилар эди. Ер кам ҳосил бераради.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясидан кейин ўлка саноати аслида қарийб қоқ-қуруқ жойда ривожлана бошлади. Шуларга қарамай ўлкамизда йигирма йилга борар-бормас вақт ичида неча ўнлаб катта-катта, шу жумладан, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган саноат корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1924 йилда Днестр дарёсининг сўл соҳилида ташкил этилган Молдавия Автоном ССРнинг саноат ишлаб чиқариш қажми 1940 йилга келиб 1913 йилдагига нисбатан 33,2 баравар кўпайди. Молдавия қишлоқларида туб ўзгаришлар рўй берди. Партиянинг тарқоқ деҳқон хўжаликларидан йирик социалистик ишлаб чиқариш йўлига секин-аста ўтишни амалга ошириш йўли, ленинча кооператив планга асосланган йўл тўла ғалаба қозонди.

Маданий қурилиш ҳам муваффақиятли амалга оширилди. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизлик тугатилди, умумий етти йиллик таълим жорий этилди. Ўрта ва олий ўқув юртлари очилди, муаллим, врач, фан ва маданият ходимлари кадрлари тайёрланди.

Руминия кироллиги 1918 йилнинг бошларида зўравонлик билан ёш Советлар республикасидан тортиб олган Бессарабия меҳнат аҳлининг қисмати бутунлай бошқача бўлди. Босқинчилар ўлкада қўнрезлик ва талончилик режимини ўрнатдилар, буржуа-помешчиклар тартиботларини тикладилар. Ўлканинг Россия ва Украина билан анъанавий хўжалик алоқаларидан маҳрум бўлган экономикаси инқирозга учради. Кўпгина корхоналар ёпиб қўйилди. Янгилари қурилмади. Деҳқонлар Октябрь ғалабаси натижасида қўлга киритган ерларининг кўп қисмидан маҳрум бўлдилар. Меҳнаткашларнинг сиёсий жиҳатдан ҳуқуксизлиги, миллий зулм турмушини янада мусибатлироқ қилиб қўйди. Молдавия халқи СССРга то қайта қўшилгунича шундай аҳвол давом қилаверди. Тез орада Молдавия АССР иттифоқдош республикага айлантирилди.

Озод этилган территорияда ҳаёт социалистик асосда тубдан қайта қурила бошлади, аммо, гитлерчилар Германиясининг СССРга қилган ҳужуми ва фашистлар оккупацияси халқимиз моддий бойликлари йўқотилишига ва таланишига олиб келди. Фашистлар босқини етказган оғир жароҳатларни даволамоқ учун ғоят катта кучғайрат сарфлашга тўғри келди. Молдавия меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида рус, украин халқларининг ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг доимий ва беғараз ёрдами билан қисқа муддат ичида саноат ишлаб чиқаришини тиклаб олдилар, унинг ҳажми 1948 йилдаёқ урушдан аввалги даражадан ошиб кетди. Молдаван халқининг бошқа кўп ютуқлари каби мана шу муваффақияти ҳам СССР халқларининг эркин ва тенг ҳуқуқли бузилмас социалистик қардошлигининг, партия ва давлатнинг ленинча миллий сиёсати туфайли вужудга келган ва етилган қардошлик ҳаётий кучининг яққол тасдиғи бўлди.

Урушдан кейинги йиллар биринчи навбатда виночилик, консерва корхоналари, қанд-шакар ва саноатнинг бошқа анъанавий соҳалари қурилди, кенгайтирилди, такомиллаштирилди ва шулар Молдавияни умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ихтисосини белгилаб берди. Тез орада республикада эндигина бунёдга келаётган ёки мутлақо бўлмаган янги соҳалар—машинасозлик, металлсозлик, асбобсозлик, электр-техника саноати ва бошқа соҳаларнинг ривожланиш процесси ҳам бошланиб кетди.

Молдавия социалистик индустриясининг тараққиёти миқёслари йил сайин кенгайиб борди. Совет Молдавияси саноати революциядан аввалгиси ва ўроқ импорт қилинган трактор ва ғоят мураккаб электр техника асбоблари ишлаб чиқаришгача, хонаки газламадан замонавий пойафзал, шоҳи ва ип газлама ишлаб чиқаришгача, шамчироқдан қуввати 1,6 миллион киловатт келадиган Молдавия ГРЭСигача, уй-жой ва саноат объектлари учун цемент ва ғиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришгача, фақатгина қишлоқ хўжалик хом ашёсини чиқаришдан, жаҳонга донги кетган маркали коньяк ва вино ишлаб чиқаришгача, энг яхши консервалар ва ҳунармандчилик бадиий буюмларигача тараққий топди. Бу фактлар Совет Молдавиясининг экономикаси чинакам парвоз қилганлигини билдирмайдими?

Республика индустрияси техника тараққиёти йўлида ривожланиб бормоқда. Сўнгги чорак аср мобайнида қурилган 560 та саноат корхонасида уч мингдан ортиқ поток линия, комплекс, равишда механизациялашган ва автоматлашган линия жорий этилди, 518 та комплекс механизациялашган ва автоматлашган участка, цех ва ишлаб чиқариш яратилди.

(Давоми 2-бетда).

ХУШ ХАБАРЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ЧОРВАДОРЛАР ҲИММАТИ

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сурхондарё областининг чорвадорлари ем-хашак базасини мустаҳкамлаш йўли билан жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашиб, дастлабки муҳим ютуқни қўлга киритдилар. Улар дағал хашак тайёрлаш йиллик планини муддатидан анча олдин адо этдилар. Пландаги 228,7 минг тонна ўрнига 260 минг тоннадан зиёд дағал хашак тўпланди. Бу ўтган йилдагидан 65 минг тонна кўпдир. Жарқўрғон, Бойсун, Денов районларининг чорвадорлари хашак тайёрлаш планини 120-150 процент бажардилар.

Область хўжаликларида сенаж бостириш плани ҳам ошириб адо этилди. Ҳозиргача йиллик планда белгиланган 49 минг 800 тонна ўрнига 52 минг тонна сенаж бостирилди ва 1500 тонна беда уни тайёрланди.

Ўтган йили 93 минг 458 тонна беда ўриб олинган бўлса, бу йил шу кунгача 120 минг тонна беда ўрилди. Шунингдек, область хўжаликлари 76 минг 424 тонна сомон тўпладилар. Чорва моллар учун икки йиллик озуқа жамғариш ва қишловни намунали ўтказиш мажбуриятини олган Сурхондарё областининг меҳнаткашлари ҳар куни ўрта ҳисобда 8-9 минг тонна дағал хашак тайёрламоқдалар. Улар йил охиригача камида 450 минг тонна дағал хашак тайёрлаш учун курашни қизитиб юборадилар.

А. ХАЛИЛОВ.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЧЕКАНКА

ВОРОШИЛОВ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Район меҳнаткашлари 16 минг гектардан знёдроқ майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Беш марта культивация қилиниб, икки марта қондириб суғорилган ва ўғитларга тўйдирилган ғўзалар кунда бир яшнаб, ҳосил тугунчаларини кўпайтирялпти. Ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ уч-тўрттадан кўсак санаш мумкин.

— 16121 гектар майдондаги ғўзаларнинг ҳаммасини агрегатлар ёрдамида чеканка қиламиз! Давлатга топширилиши лозим бўлган 40 минг тонна пахтанинг 30 минг тоннаси «зангори нема»лар бункеридан бўшатилади!

Янги район пахтакорларининг ахди ана шундай. Яқинда Свердлов номли колхозда бўлиб ўтган семинарда ҳам ана шу масалага жиддий эътибор берилди. Семинар қатнашчилари ҳар туп ғўзада 15-16 та ҳосил шохи пайдо бўлганлигини ва шу муносабат билан механизациялашган чеканкани бошлаб юборишни таклиф этишди.

Район хўжаликларида чеканка бошланди. Шу кунларда 50 дан ортиқ агрегат ишлаб турибди. Тағин бир неча кундан сўнг улар ёнига 100 агрегат қўшилади. Барча майдондаги ғўзалар фақат машиналарда чеканка қилинади.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

◆ ИЮЛЬ — ҒЎЗА ТУПЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ ТУФАЙЛИ ИЮЛЬ ОЙИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН КУЧАЙТИРАЙЛИК. БАРЧА МАЙДОНЛАРДАГИ ҒЎЗАНИ КАМИДА ИККИ МАРТА КОМПЛЕКС ПАРВАРИШ ҚИЛИШ КЕРАК.

◆ ҲАР БИР ПАЙКАЛДАГИ ҒЎЗАНИНГ РИВОЖИГА, СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБИГА, ТУПРОҚ ВА ГИДРОГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАРИГА ҚАРАБ, СУҒОРИШГА АҲАМИЯТ БЕРИНГ. ҒЎЗАНИ КЎЛЛАТИБ ЮБОРМАНГ, ЧАНҚАТИБ ҲАМ ҚЎЙМАНГ.

◆ ИЮЛЬ ОЙИДА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ИШЛАШНИ СУҒОРИШ БИЛАН ҚУШИБ ОЛИБ БОРИНГ. СУВДАН ЧИККАН ПАЙКАЛЛАРНИ ОБ-ТОБИДА КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИНГ. КУЛЬТИВАЦИЯДАН КЕЙИН ЕРНИНГ ЮМШОҚЛИГИДА БЕГОНА ЎТЛАРНИ ЮЛИБ ТАШЛАНГ.

◆ ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИНГ. ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТЕХНИКА ВА ХИМИЯВИЙ ДОРИЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ!

КЎСАКЛАР КЎПАЙМОҚДА

Оқдарё районидаги Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мажид Муродов бошлиқ бригадаси азаматлари 102 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Пахтазорда мажбуриятга яраша иш кетяпти. Ғўзалар беш марта сифатли ишловдан чиқарилди. Сувчилар эса учинчи сувни тарашяпти.

Яхши парваришланаётган ғўзаларнинг маржон кўсаклари кундан-кунга кўпаймокда.

Ж. МАЖИДОВ,
А. НУРМАТОВ,

ШИЖОАТКОРЛАР

Шофиркон районидаги Ленин номли колхознинг Ҳошимжон Избосаров бошлиқ бригадаси азаматлари Шўристон деб аталган бўз ерларнинг гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» олиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда. Ғўзалар учинчи ишловдан чиқарилди. СУЗ ёрдамида озиқлантирилди. Миришкорлар икки сменада ишлаб, ҳар куни 1-1,5 гектар ердаги ғўзага сув тарамоқдалар.

Х. Азизов, Т. Жумаев, Ш. Ниёзов, Ж. Раҳматова, Т. Наврўзова сингари дала шижоаткорлари алоҳида ўрнак кўрсатиб, кунлик нормаларини 1,5-2 ҳисса бажаряптилар.

Р. АЗИМОВ.

Фарғона области. Риштон райони даги «Риштон» совхозининг механизаторлари ғўзаларни тўртинчи парваришдан чиқармоқдалар. Совхознинг ўнлаб механизаторлари ғўза парваришида ишнинг суръати ва сифатига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Суратда: совхоз далаларида ғўза культивация қилинмоқда.

В. СИРОТКИН фотоси.

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР мудофаа министрининг таклифига биноан Москвада меҳмон бўлиб турган Сомали Олий революцион кенгашининг вице президенти, мудофаа ишлари билан шуғулланувчи давлат секретари, Сомали миллий армиясининг қўмондони бригада генерали Муҳаммад Али Самантарни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 17 июль куни Кремлда қабул қилди.

А. Н. Косигин билан Муҳаммад Али Самантар ўртасида бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида Совет-Сомали ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбатда СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, генерал-полковник Н. В. Огарков ва Сомали Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Аҳмад Муҳаммад Адан қатнашдилар. (ТАСС).

ҚОРАКЎЛЧИЛАРГА МЕДАЛЛАР

БУХОРО, 17 июль. (ЎзТАГ мухбири). СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси Бухоро қоракўл заводида ташкил қилган виставка ёпилди. Бу кўчма виставка Ўзбекистондаги 33 та ихтисослаштирилган хўжаликларда етиштирилган қоракўл терилар сифатини кўрикдан ўтказди. Ўн мингта қоракўл тери намойиш қилинди. Шу ернинг ўзида қоракўл терини сортларга ажратиш юзасидан конкурс ўтказилди.

Бухородаги «Конимех» давлат наслчилик заводига, Свердлов районидаги Свердлов номли колхозга, «Ёққудуқ» совхозига қора, сур ва кўкимтир қоракўл терилар учун биринчи мукофот берилди. Бухоро қоракўлчилари Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг 20 та медалини олдилар.

СССР—50

МОЛДАВИЯ ҲАФТАЛИГИ

КАМОЛ ТОПАВЕР, ҚАДРДОН МОЛДАВИЯ!

БУЗИЛМАС ҚАРДОШЛИК

[Бошы биринчи бетда].

Республиканинг колхоз ва совхозларини узум, сабзавот, тамаки, қанд лавлаги, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш борасида ихтисослаштирилиши ва қулай табиий шароитлар озиқ-овқат индустриямизни ғоятда ривожлантириш учун замин яратди.

Республика вино ва вино маҳсулотлари, консерва ва қанд, ўсимлик мойи ва эфир мойи етиштирувчи ва сотувчи катта районлардан бири бўлиб қолди.

Машинасозлик ва металлсозликнинг ривожланиши туфайли неча ўнлаб янги заводлар қурилди, эскилари реконструкция қилинди. Шу соҳалар тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз ишлаб чиқаришини 1958 йилдагига нисбатан 15 баравар кўпайтирди.

Енгил саноатимиз юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳозир бу саноатда 80 мингдан ортиқ киши банд. Сўнгги вақтларда Бендери шойи комбинати, Кишинёвда «Стяуа Рошие» трикотаж фабрикаси, Бельцк мўйна комбинати, Тирасполда «ВЛКСМ 40 йиллиги» тикувчилик фабрикаси каби улкан корхоналар ишга туширилди. Енгил саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1948 йилдагига нисбатан 145 баравар кўпайди. Республиканинг бинокорлик материаллари саноати янада ривож топди.

Қудратли энергетика базаси бўлмаганида республика саноати бу қадар гуркираб ривожлана олмаган бўлур эди. Шунинг учун ҳам мана шу талабларга жавоб бера оладиган биринчи даражали база яратилди. Электр станцияларимизнинг қуввати 1940 йилдан 1971 йилгача 151 баравар кўпайди, электр энергияси ҳосил қилиш эса 493 баравар кўпайди. Молдавия ГРЭСининг қуввати беш йиллик охирига бориб икки миллион киловаттга етади. Техника тараққиёти асосида меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб бормоқда, саноат маҳсулотларининг сифати яхшиланмоқда.

Бугунги Молдавиянинг индустриал қиёфаси мамлакатимиздаги барча қардош халқлар саховати ва истеъдодидан баҳраманд бўлгандир. Мана шу бегараз ҳисса республика меҳнаткашларининг Советлар ватанимиздаги бошқа республикалар меҳнаткашлари билан дўстлигини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу борада ҳам қулай табиий шароитлар, дала ва ферма меҳнаткашларининг меҳнатсеварлиги ва маҳорати, деҳқончилик ва чорвачилик юксак даражада интенсивлашганлиги, механизациялаштирилганлиги билан бирга қардош республикаларнинг замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари ва ўғит билан ҳар томонлама кўрсатаётган ёрдами ўз таъсирини кўрсатмоқда. Молдавия колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари фойдаланаётган Россия Федерацияси, Украина донгдор далачилари, Болтиқ бўйи донгдор чорвадорларининг тажрибалари қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтиришга, унинг барча тармоқлари рентабеллигини юксалтиришга имкон берди.

Комплекс механизация, электрлаштириш, химиялаштириш, прогрессив технологиянинг жорий этилиши деҳқончилик маданияти анча юксалишини, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили ўсишини таъминлади. 1950 йилдагига нисбатан дон етиштириш 1,6 баравар, кунгабоқар етиштириш икки баравар, қанд лавлаги етиштириш 9,5 баравар, тамаки етиштириш 15 баравар, сабзавот, ҳўл мева, узум етиштириш 3-6 баравар кўпайди.

Бизда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган узумчилик ва тамакичилик соҳалари айниқса тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 1971 йилда мева, узум маҳсулоти ялпи ҳосили 1 миллион 700 минг тоннадан ошганлигини айтиш кифоядир. Бу рақам 1960 йилдагидан 2,4 баравар кўпдир.

Республика колхоз ва совхозлари социалистик қишлоқ хўжалиги системасининг жуда катта имкониятларидан фойдаланиб, чорвачиликни ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришдилар, катта-катта фермалар яратдилар, чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширдилар, зотини яхшиладилар, гўшт, сут, тухум етиштиришни бир неча баравар кўпайтирдилар. Бугунги кунда бизда гўшт ва тухум етиштириш ихтисослаштирилган саноат типидаги катта-катта корхоналар зиммасига юкланганлиги характери бир ҳолдир.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш борасида ўтказилган ташкилий чоралар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ошириш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Қурилишда, чорвачиликда, боғдорчиликда колхозлараро кооперация тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Молдавияда социалистик қурилиш йиллари мобайнида социал ва маданий ҳаётда чинакам революцион ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар халқимизни маънавий қуллик ва зулматдан қутқарди, уни инсоният орттирган маданият бойликларидан баҳраманд этди. Эндиликда республиканинг ўз агроном ва врачлари, муаллим ва инженерлари, олим ва шоирлари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигининг донгдор усталари бор. Бизнинг халқ хўжалигимизда олий ва ўрта маълумотли 200 мингга яқин мутахассис ишлаб турибди. Ҳозир республиканинг умумий таълим мактабларида 795 минг ўқувчи ўқимоқда, ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки ва сиртқи мактаблари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари жуда кўпайди. Молдавиянинг 53 олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 96 минг студент ва ўқувчи билим олмоқда.

Илм-фан зўр ривож топди. Республикада 70 га яқин илмий муассаса, 6 минг нафар илмий ходим ишлаб турибди. Шуларнинг учдан биридан кўпи фан кандидатлари ва докторларидир. Ўтмишда биронта ҳам илмий муассасаси бўлмаган ўлкада шунча олим!

Бизда санъат, адабиёт, халқ ижодиётини равнақ топтириш учун беҳад имкониятлар яратилган. Молдавия ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, артистлари давримизнинг улуғворлигини, янгича инсоний муносабатлар ғўзаллигини акс эттирувчи, совет халқи ва унинг авангарди — Коммунистик партиянинг яратувчилик даҳосини улуғловчи бир қанча йирик асарлар яратдилар.

Республикада саккизта профессионал театр, тўқкизта профессионал коллективлари бўлган давлат филармонияси, 15 та халқ театри, тўрт мингдан ортиқ бадиий ҳаваскорлик тўгараклари очилди ва ишлаб турибди. Жуда кўп маданий-оқартув муассасалари—клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар, музейлар меҳнаткашлар хизматида. Радио ва телевидение Молдавия меҳнаткашларининг кундалик ҳаётига сингиб кетди.

Социализм кишиларнинг шахсий тақдирларини бутун жамият муваффақиятлари билан боғлаб юборди. Меҳнат ва маиший турмуш шароитлари доимо яхшилаб борилаётганлиги, иш куни қисқараётганлиги, истеъмол муттасил ошиб бораётганлиги, отпуск ва социал таъминот системаси янги ижтимоий тузум инсонга нақадар катта бахт-саодат келтирганлигининг яққол далилидир. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 1940 йилдагига нисбатан 13,5 баравардан зиёд кўпайди. Узоқ муддат фойдаланадиган молларга бўлган талаб муттасил ошиб бормоқда. Меҳнатга тўланадиган ҳақ тариқасида олинадиган даромадлар кўпайиши билан ижтимоий истеъмол фондлари ҳам ошиб бормоқда. Шу фондлар сўнгги ўн йилнинг ўзидагина 3,3 баравар кўпайди. Тўқкизинчи беш йилликнинг охирига бориб эса яна 48,7 процент кўпаяди.

Кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқининг ажралмас бир қисми бўлиб қолган молдаван халқининг маънавий ва аҳлоқий қиёфаси янги ҳаёт қурилиши йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бизнинг ишчимиз колхозчимиз, хизматчимиз эркин диёрдаги ҳур инсон, ўз тақдирининг ҳақиқий хўжайини, бугунги куни ва келажагидан фахрланувчи инсондир. Совет кишисининг коммунизм ишига садоқатли бўлиш, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм, юксак меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлик, эксплуатация ва зулмга, миллий ва ирқий хурофотларга нисбатан муросасизлик, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан синфий бирдамлик каби ажойиб ҳислатлари молдаван халқига ҳам хосдир. Ленининг коммунизм учун кураш ғоялари унинг қалбини ва ақлини эгаллаган, шу курашнинг амалга оширилиши унинг ҳаёт моҳияти ва мақсади бўлиб қолган.

Республика меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги кунини кутиб олар эканлар, совет Молдавиясининг равнақ топганлиги кўп миллатли ватанимиздаги барча қардош халқлар биргаликда олиб борган кураш ва меҳнат натижасидир, деб одилона ҳисоблаб барча совет халқига чуқур иззат-ҳурмат ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларини изҳор этадилар.



Суратда: қардош Молдавиянинг фахри бўлган Тирасполь «Электроаппаратура» заводи йиғув конвейери нинг умумий кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

БИРИНЧИ ТРАКТОР

1940 йилгача Бессарабия деҳқонлари трактор нималигини билишмас эди. Уша йили кузги экинларни экиш мавсумида биринчи трактор келди. «Темир от»ни кўрган ҳамқишлоқларимнинг қувончи чексиз эди. Уни ҳар ким қайта-қайта ушлаб кўргиси келарди. Трактор моторларининг гуриллаши деҳқончиликдаги қолоқликка чек қўйиб, Бессарабия деҳқонларини янги ҳаётга чорлади.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш республикамиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Далалар кенгайди, боғларга боғ қўшилди. Эндиликда деҳқончиликдаги асосий ишлар техника зиммасига юклатилган. Ҳозирги пайтда турли химикатлар, электр энергияси, авиация, энг қудратли замонавий техника, ҳатто сунъий ёмғир ёғдириш аппаратлари гача колхозчи ва совхоз ишчилари ихтиёрига бериб қўйилган.

Масалан, ҳозирги кунда Молдавиядаги ҳар бир колхозга ўрта ҳисобда 90 та трактор, 15 та комбайн, 40 дан ортиқ юк автомобили тўғри келади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги меҳнати индустриал меҳнатга тобора яқинлашмоқда. Шунинг учун ҳам бошоқлар салмоқли, меҳнат эса завқли бўлаётир.

ИШЧИ ШАРАФИ

Мен Бессарабия чет эллик босқинчилар томонидан босиб олинганда қўлида қурол билан капиталистларга қарши синфий жангларда қатнашган ишчилар синфи авлодига мансубман. 1940 йилда республикамиз қайта туғилиб, ўлнада совет ҳокимияти ўрнатиш учун курашганлар сафида ҳам бўлганман.

Йиллар ўтди. Биз нималарни орзу қилган бўлсак ҳаммаси рўёбга чиқди. Бизнинг фарзандларимиз ва невараларимиз полиция ўзбошимчалик билан бизларни қандай қийнаганлигини, иссиқлик, очлик ва дорга осишлар нималигини билишмайди. Улар буни фақат кекса авлод ҳикоясидан, китоблар саҳифасидан ўқишади ва кино ленталарида кўришади. Лекин ёшларимиз бугунги фаровон ҳаётга эришиш учун жиддий курашлар бўлганлигини, бу ҳаёт кекса авлоднинг матонатли меҳнати ва жасорати, партия ва халқнинг асл фарзандларининг қони эвазига қўлга киритилганлигини, улар озодлик ва кишиларнинг тенглиги йўлида ўз ҳаётларини ҳам аямаганликларини унутмасликлари керак.

Менинг ҳаётим Бендери темир йўл депоси билан боғлиқ. Бу ерда мен (уруш йилларини истисно қилганда) 45 йилдан кўпроқ меҳнат қилдим. Ҳозир мен билан бу ерда елкама-елка туриб ўғлим Михаил ҳам ишламоқда. Виктор Калошинск, Павел Бевзюк каби ёш ишчилар билан тез-тез суҳбатлашиб турамиз. Уларга ҳам ишчи касби ота мерос. Лекин улар ўз билими билан кекса авлод ишчиларига нисбатан анча илгари кетишган.

Статистика маълумотларига қараганда, мамлакатимиз меҳнатга яроқли аҳолисининг ярмидан кўпроғини ишчилар ташкил этар экан. Лекин ишчилар синфининг социалистик жамиятдаги етакчилик ролини фақат унинг сони белгиламайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев касаба союзларининг XV съездида биз, делегатларга ишчилар синфининг умумий маълумоти ва профессионал тайёргарлик даражаси мамлакатимизда ниҳоятда ўсиб кетганлиги ҳақида ишончли маълумотлар келтирди. Ўша нутқдаги ҳар бир сўзга бизнинг корхонадан ҳам конкрет мисоллар келтириш мумкин.

Биринчи навбатда ишчилар синфининг маданияти кўзимиз ўнгида ниҳоятда ўсиб кетди. Унинг истеъдоди серқиррали бўлиб қолди. Менинг ўзим биринчи мартаба депога ишга келганимда слесарнинг асосий ишқуроли болга ва исканадан иборат эди. Эндиликда бўлса, биз депо цехларида murakkab автомат қурилмаларни тайёрламоқдамиз.

Ишчиларнинг меҳнати кундан-кунга инженер-техник ходимлар меҳнати билан яқинлашиб бормоқда. Ҳозирги ишчилар синфи қиёфасида биз новаторларни, рационализаторларни ва ихтирочиларни кўрамиз. Ишчиларимизнинг 80 процентга Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг аъзосидир.

Бу нимани кўрсатади? Бу совет ишчиси ишлаб чиқаришнинг, ўз корхонасининг ҳақиқий хўжайини эканлигидан далолат беради. Ишчи фақат ўз корхонасининг хўжайинигина бўлиб қолмай, у бутун мамлакатнинг ҳам хўжайинидир. У янги ҳаётнинг ижодкори ва айни пайтда унинг истиқболи учун ҳам биринчи навбатда жавобгар. Ҳа, бизнинг ишчилар синфимиз ана шундай синф.

Менинг касбдошларим ара лашмаган соҳалар ниҳоятда кам. Улар орасида шаҳар партия комитетининг аъзолари, республика олий органининг ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг депутатлари бор. Кўпчилик ишчилар касаба союз ва комсомол органларига, новаторлар кенгашига, конструкторлик ва технология бюроларига, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларига аъзодирлар... Шунинг ўзи ҳам бугунги ишчи синфининг фаолияти ниҳоятда серқирра эканлигидан далолат беради.

Бессарабиянинг СССРга қайта қўшилиши халқимиз тақдирида муҳим роль ўйнади. Мамлакатимиздаги иттифоқдош республикалар қатори Молдавия ССР ҳам тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб олди. Бунинг боиси ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ва Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги эканлигини молдован халқининг ҳар бир вакили юракдан ҳис этади.

Ҳозир республикамиздаги ҳар бир ишчи ва коллектив беш йиллик юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақани кундан-кунга авж олдиримоқда.

П. ЗМЕУ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Бендери локомотив депосининг слесари.

РЎЁБГА ЧИҚҚАН ОРЗУЛАР

Қишлоғимиз узра қизил байроқ биринчи бор ҳилпираган кунда одамлар нақадар хурсанд бўлганини ифодалаш ниҳоятда қийин. Чунки, 1940 йилнинг июни Бессарабияга озодлик, тенг ҳуқуқлиликни олиб келди. Бу ўзаро ҳурмат ва инончга асосланган қуннинг бошланиши эди. Июннинг ўша кунлари меҳнат ва ер қадрига етган ҳар бир кишини ернинг хўжайини қилиб қўйди.

Биз отадан тўрт иши эдик. Бессарабия СССРга қайта қўшилганига қадар анча ёшга бориб қолгандик. Аввалари ўқиш ёҳуд бирорта касб ўрганиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Янги тузум ишлаб чиқариш даргоҳлари эшигини кенг меҳнаткашларга очиб қўйди.

Бу янги турмуш, янги ҳаёт, янги тузумнинг шарофати эди. Узоққа бормай, бизнинг Шестачи қишлоғини мисолга олайлик. Бу ерда замонавий ўрта мактаб, ўқув залига эга бўлган кутубхона, клуб ва бошқа маданий-маиший муассасалар мавжуд.

Ҳаётимиздаги ўзгаришларни ўзимнинг касбимга алоқадор бўлган бир мисолда ҳам айтиб ўтмоқчиман. Қишлоғимиз Руминия қироллиги зулми остида яшаган йилларда ҳамқишлоқларимдан атиги икки нафарига газета оларди. Эндиликда чи 147 оила 600 нусхадан кўпроқ турли матбуот нашрларини мунтазам олиб туради.

Қишлоғимизнинг ҳар бир аҳолиси Шестачидаги ўзгаришлар ҳақида талайгина мисол келтириши мумкин. Ленин бу ютуқлар қўлга киритилишининг боиси нима деб, сўраладиган бўлса, қардош Молдавия Республикасининг Совет Иттифоқи ҳур республикалари оиласида равнақ топаётганлиги, деган жавоб олиши табиийдир.

А. ПАСИНКОВСКИЙ,
Резинси районидаги Шестачи қишлоғининг почтальони.



Кишинёвдаги ўсимликларни биология усулида ҳимоя қилиш институтининг аспиранти Нина Кузнна. У ўсимликка зарар етказувчи ҳашаротларни текширмоқда.

Е. Драйшнер фотолари.
ТАСС фотохроникаси

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

УЧИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН

Страшенси районидаги Карл Маркс номли колхозда машинада сут соғиш бўйича республика конкурси ўтказилди. Бунгача бўлиб ўтган саралаш ўйинларида 5 мингдан ортиқ соғувчи қатнашган эди. Конкурс сут соғувчиларнинг маҳорати кундан-кунга ошиб бораётганлигини кўрсатди.

Финал ўйинларида энг яхши 37 та моҳир соғувчи иштирок этди. Бу гал ҳам Слободзейск районининг машҳур сут соғувчиси Людмила Ивановна Березнюк ғалаба қозонди. У учинчи марта республика чемпиони деган номни олишга сазовор бўлди.

Ф. БАННИКОВ.

ЁШ ИШЧИЛАРГА БАҒИШЛАБ

Яқинда Сороке 4-тикувчилик фабрикасида ёшларнинг ишчилар синфи сафига қўшилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Улар орасида Светлана Левандовская, Галина Урмач, Юрия Дешан, Вера Продан каби ёш ишчилар бор. Уларнинг кўпчилигининг ота-оналари ҳам ана шу фабриканинг донгдор ишчиларидир.

Ишчилар сафига қўшилганларни фабрика ишчиларининг кекса вакили В. М. Роман қизғин табриклади. Ёш ишчилар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатиш, фабрика маҳсулотининг сифатини ошириш учун истеъдод кураши, фабрика шуҳратини доимо баланд тутишга ваъда бериб, қасамёд қилишди. Тантанали вазиятда фабрика ветеранлари ёш йигит ва қизларга ишчи ҳаётига йўлланма беришди, улар меҳнат қиладиган цехлар, асбоб-ускуналар билан таништиришди.

И. РАДУ.

САФАРДАГИ АЛЬБОМ

«Гиличен» совхоз-заводида ташкил этилган альбомни варақласангиз, хўжаликнинг босиб ўтган йўли ва фидокор ишчилари, уларнинг маданий ҳаёти билан таниш сиз.

Узумчилик ва чорвачилик соҳасида эришилган ютуқларни кўрсатувчи рақамлар ижодкорлари бўлган боғбонлар бригадаси бошлиғи Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Николай Влежу каби донгдор кишилар билан ҳам таниш сиз.

Мазкур альбом «Гиличен» совхозининг азаматларидан меҳнат рапортларини қабул қилиб, яна йўлда давом этади. Муқовасига зарҳал ҳарфлар билан «СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланади», деган сўзлар ёзилган бу альбом йил охиригача Теленештси районидаги 22 хўжаликда бўлади. СССРнинг ярим асрлик юбилейи нишонланадиган кунда бу меҳнат йилномаси район партия комитетига топширилади.

В. НАРОЖНИЙ.

«КОДРУ» МУВАФФАҚИЯТИ

Оргеев шаҳридаги халқ чолғу асбоблари ва рақс ансамбли «Кодру» корхона ва қишлоқларда тез-тез бўлиб туради. Шаҳардаги биронта байрам бу ансамблнинг иштирокисиз ўтмайди, деб айтиш мумкин.

Оркестр программаси ва ансамблга В. Асауляк ва Т. Чолнати бошчилик қилишади. «Кодру» ҳамма ерда қизғин кутиб олинади.

В. КРАСЕНКОВ.

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

1940 ЙИЛ

СССР составига молдаван халқининг қайта қўшилиши муносабати билан Молдавия АССР Иттифоқдош республикага айланди.

1941 ЙИЛ

Молдавия Коммунистик (большевиклар) партиясининг биринчи съезди бўлиб ўтган йили унинг сафида 9 мингга яқин партия аъзоси ва партия аъзолигига кандидатлар бор эди.

1944 ЙИЛ

2-ва 3-Украина фронтларининг қўшинлари Хуши-Леово районида учрашдилар. Фашистлар армиясининг катта группировкаси қуршаб олинди. Бу операция туфайли Молдавия ССР ғитлерчилар истибдодидан озод этилди.

1945 ЙИЛ

Йил охирига келиб, республикадаги 500 дан ошиқ саноат корхоналари Иттифоқдош республикаларнинг берган катта ёрдамлари туфайли иш бошлаб юбордилар.

1948 ЙИЛ

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Улуғ Ватан урушигача бўлган даражадан ўтиб кетди. Шунингдек, республикадаги экин майдонлари ҳам урушгача бўлганидан ортди.

1950 ЙИЛ

Саноат маҳсулотларининг ялпи ҳажми урушгача бўлганидан икки мартаба ошди.

Молдавиянинг ўқиргоқ районларида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тугалланди.

1958 ЙИЛ

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўлга киритган ютуқлари учун Ленин ордени билан мукофотланди.

1962 ЙИЛ

Кишинёв трактор-йиғув заводи боғдорчилик-узумчиликда ишлатиладиган биринчи тракторни ишлаб чиқарди.

1964 ЙИЛ

Молдавиядаги биринчи 200 минг киловатт-соат қувватга эга бўлган ГРЭС ишга туширилди.

1965 ЙИЛ

Молдавияда 1913 йилда бутун чор Россиясида ишлаб чиқарилганидан кўпроқ электр энергия ишлаб чиқарилди.

1966 ЙИЛ

Мамлакат Кишинёв шаҳрининг 500 йиллигини тантанали нишонлади. Шаҳар Ленин ордени билан мукофотланди.

1971 ЙИЛ

Молдавия Компартиясининг XIII съезди очилди. Ушанда республика партия ташкилотларининг сафида 115 минг коммунист бор эди.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

ЧОРВАЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

Конимех районида чорва моллар туёқ сони ва маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак жамғаришни кўпайтириш ва қишловни бехатар ўтказиш тажрибасидан

1972 йилда районимиз чорвадорлари олдида катта ва шарафли вазифалар турибди. 5 минг тонна гўшт, 198 минг 700 дона юқори сифатли қоракўл тери ва 1350 тонна жун етиштиришимиз керак. Айни пайтда, маҳсулот бирлиги етиштиришга кам меҳнат ва маблағ сарфланиши, шу йўл билан таннарх арзонлаштирилиши лозим. Шунда хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланади, чорвадорларнинг турмуши янада яхшиланади.

КПСС XXIV съезди чорвачиликни янада ривожлантириш, аҳолини энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бетўхтов таъминлаш, бу соҳада янги беш йилликда янада юксак марраларни эгаллаш, шу мақсадда резервлардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш вазифасини қўйди. Район партия ва совет ташкилотлари меҳнаткашларнинг бутун куч-ғайрати, техника воситаларини ана шу улуғвор вазифаларни шараф билан бажаришга сафарбар этаётирлар.

Съезд қарорларини амалга ошира бориб, чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда анчагина муваффақиятларга эришилди. Утган қиш қаттиқ ва узоқ келди, устма-уст ёғингарчиликлар, совуқлар бўлди. Ем-хашак танқислиги сезилди. Транспорт қатновида кўп қийинчиликларга дуч келинди. Шунга қарамай, меҳнат аҳли қийинчиликларни мардонавор енгди, чорва қишловини бехатар ўтказди, чиқимга йўл қўймади.

Қишловдан тўқ ва семиз олиб чиқилган совлиқлар эрта баҳордан ёппасига қузилай бошлади. Шуни айтиш керакки, бу муҳим босқични ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан қисқа фурсатда ўтказдик. **Район бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 137 тадан соғлом қузи олдик. Бу билан қоракўл тери тайёрлаш ва ўстиришга қузи қолдириш планларини ошириб бажаришга шароит яратдик.**

Қузилатиш қоракўлчиликда ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Давлатга қоракўл тери етказиб бериш планини бажариш шарт. Лекин бу дуч келган қузини тери учун сўйериш керак, деган сўз эмас. Чорвадорлар даставвал туёқ сонини кўпайтириш ва олинган қузиларни кўпроқ сақлаб қолиш ҳақида бош қотиришлари керак. Биз масалани шундай қўйдик ва кутилган натижага эришдик. **План бўнича ўстиришга 108 минг бош қузи қолдирилиши керак эди, амалда эса 114 мингдан зиёд қузи қолдирилиб, келаси йиллар чорвачилик тараққиётига замин яратдик.**

Давлатга қоракўл тери етказиб бериш топшириғини бажармаган бирорта хўжалик қолмади. **Районимиз чорвадорлари давлатга 249 минг 568 дона юқори сорт қоракўл тери топширдилар.** Тери тайёрлаш плани 125,6 процент бажарилди. Лекин чорвадорларимиз олдида янада муҳимроқ вазифа турибди. Яқин кунларда ўстиришга қолдирилган қузилар совлиқлардан ажратилиб, алоҳида отарлар тузилади. Вазифа — отарларда қузилар сонининг белгиланган нормадан кам ёки ортиқ бўлишига йўл қўймаслик, уларни насл, терисининг хилига ва бошқа белгиларига қараб комплектлашдан иборат.

Районимизда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ҳамма хўжаликларимиз катта ҳисса қўшди. Лекин учта хўжалигимизнинг муваффақиятини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз.

«Октябрь 40 йиллиги» совхози коллективи 75 минг 716 бош қўйни қишловдан тўла ва бехатар сақлаб чиқди, бирор бошининг нобуд бўлишига йўл қўймади. Ҳар 100 бош совлиқдан 147 тадан қузи олди.

«Коммунизм» совхозининг 79 минг бош қўйи бор. Ҳар 100 совлиқдан 135 бошдан соғлом қузи олди. Кўп қийинчиликлар юз беришига қарамай, рентабелликни 38 процент кўтарди.

«Конимех» давлат наслчилик заводи ҳар 100 бош совлиқдан 140 тадан қузи олди. 16.300 қузини ўстиришга қолдирди. Бу хўжалик бошқа районлар, колхоз, совхозлар учун наслли қузилар етказиб беради, ҳар йили ўн минглаб қўчқор сотади. 71 ярим минг бош қўйга эга бўлган «Ғиждувон» совхозининг меҳнатсевар чўпон-чўлиқлари, ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари ҳақида ҳам қувонч билан сўзлаш мумкин.

Бундай муваффақиятнинг сири нимада? Кадрлар жой-жойига қўйилган, меҳнат интизоми мустаҳкамланган, коммунистлар иш бошида туради. Ҳамма партия, давлат топшириғини бажаришни муқаддас бурч деб билади. Чорвачилик соҳасидаги оғир ишлар тобора кўпроқ машиналар гарданига ортиляпти, фан-техника ютуқлари, прогрессив усуллар ҳаётга дадил жорий этиляпти Қабул қилинган қарорларнинг ижроси муттасил текшириб бориляпти, кадрлардан топширилган иш учун масъулият талаб қилиняпти.

Партия XXIV съездида чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа, озуқа ва яна озуқа зарурлиги уқтирилди. Район партия ва совет ташкилотлари бу масалани йил—ўн икки ой кун тартибидан туширмайди. Озуқа чорва молларни офатдан сақлайди, семизлик даражасини оширади, қишдан бехатар чиқишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам районимиз меҳнаткашлари эрта баҳордан кеч кузгача ҳамма жойда озуқа тўплаш соҳасида қизғин иш олиб боради.

Масалан, «Коммунизм» совхози чорвадорлари қишловга ҳозирдан тайёргарликни қизитиб юборди. Шу йил 8 июлгача 3.740 тонна дағал хашак тўплаб, йиллик планни 101 процент ўринлади. Икки ўримда ҳар гектар ердан 110 центнердан кўк беда олиб, бу соҳадаги топшириқни 150 процент бажарди. Шу кунларда яйловларда 300 киши, кўплаб машина, тележка хашак ўримида қатнашяпти Биноларни ремонт қилиш кун сайин авж олдиряпти. Коллектив бир йилда икки йиллик план миқдорида ем-хашак жамғаришни шиор қилиб кун тартибига қўйди.

Лекин Калинин номли совхоз ҳақида бундай дея олмаймиз. Совхоз—йирик хўжалик, қўйчиликни тараққий эттириш учун ҳамма имкониятлар бор. Афсуски, совхознинг собиқ раҳбарлари ана шу имкониятлардан фойдаланиш чораларини кўрмади. Оқибатда илғор хўжаликларимиз бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 157 тага етказиб қузи олингани ҳолда ўтган йили бу совхозда 98 тадан қузи олинди. Қоракўл тери тайёрлаш, ўстиришга қузи қолдириш плани барбод берилди. Район партия комитети ўша раҳбарларни кўп огоҳлантирди. Аммо улар танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишмади.

Юз берган аҳвол район партия комитетини жиддий ташвишга солди. Масала атрофлича муҳокама қилиниб, собиқ раҳбарлар ишдан олинди. Директорликка маълумотли, ташкилотчи коммунист А. Норбоев қўйилди. Коммунистлар С. Умаровни партия комитети секретарлигига сайлади. Н. Абдурайимов ветеринария врачи лавозимига тайинланди. Уларга раҳбарлик санъатини эгаллаб олишларида ёрдам берилди. Натижа чакки бўлмади. Янги раҳбарлар бош, меҳнаткашлар ёндош бўлиб бир йилда совхозни қолоқликдан чиқарди. Қузи олиш плани ошириб бажарилди, ҳар 100 бош совлиқдан олинган қузи ўтган йилдагидан 37 бош кўпайди, ўстиришга кўзда тутилган 9.900 бош ўрнига 12 ярим минг бош қузи қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумида республикамизда чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, VI пленумида эса кадрлар билан ишлашни яхшилаш ҳақидаги масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Биз ана шу қарорларни амалга ошира бориб, юқорида тилга олинган ютуқлар каби қатор муваффақиятларга эришдик, эндиликда уни мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳозир районимиз хўжаликларида 483 минг бош қоракўл қўй бор. Шу йилнинг ўзидагина ўстиришга 124 мингта қузи қолдирилди. Бу, планда белгиланганидан 16 мингта кўп. Бир йилда совлиқлар сони 123 минг бош кўпайтирилди.

Районимиз — илғор чорвадорлар макони. Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдаги хизматлари учун Уролбой Мамбетов, Мирзали Алпомишев, Шариф Қўсанбоев, Мурод Шарипов каби чўпонларимизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Улар қўйчиликни интенсив тарзда тараққий эттириш соҳасида ҳамон фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар, талантли шогирдлар тайёрламоқдалар. Омон Эгамов, Омон Рўзиев, Омон Қашқирбоев, Муртазо Дармонов, Сайфулла Бўкиев каби чўпонларимиз қаҳрамонлар изидан бориб, бу йил ўз отарларидаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 230 тагача қузи олишга муваффақ бўлдилар. Район партия комитети уларнинг эгиз қузилар олишдаги бой тажрибасини 760 кишидан иборат чўпонлар коллективи орасида кенг пропаганда қиляпти.

Шуниси диққатга сазоворки, ўнинчи синфни битирган йигит-қизлар, армия хизматини ўтаб келган йигитлар қўйчилик фермаларида ишлаш хоҳишини билдирмоқдалар. Ҳар бир бош чўпон беш-олти кишини шогирдликка олиб, ўз касбини меҳр билан уларга ўргатмоқда. Кейинги йиллардагина чўпонлар сони қарийб юз кишига кўпайди, шундан 210 чўпон кўплаб эгиз қузи олиш ҳақидаги социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

Районимиз қоракўлчиликдан ташқари гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган. 1972 йилда 5 минг тонна гўшт тайёрлашимиз керак. Район партия ва совет ташкилотлари қишлоқ хўжалик органлари ходимлари, мутахассислар, тажрибакор қўйчивонлар билан ҳамкорликда бу борада янги режалар белгилади. Биз давлатга гўшт топширишни ойма-ой, кварталма-квартал бажариб боришни кўзда тутяпмиз. Шундай қилинганда, аввало, қўйларни яхши семиртириб оламиз, қолаверса, қирқимни ўз вақтида ўтказиб, 1350 тонна жун тайёрлаш ҳақидаги мажбуриятимизни муваффақиятли бажарамиз.

Чорвадорларимиз ярим йиллик гўшт тайёрлаш топширигини 106 процент адо этдилар, давлат қабул пунктларига жуни қирқилган, юқори семизликдаги қўйлар топширилди. Ўрта ва ўртадан паст семизликдаги қўйларни гўштга топширишни бутунлай ман этганмиз. Ҳамма қўйларнинг юқори семизликда бўлишини таъминлаётган чорвадорлар, бўрдоқичилик базаларининг ходимлари рағбатлантириб борилаётир. Халқимизда «Бир терига икки қўй сиғади» деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чорвадорлар астойдил меҳнат қилса, қийинчиликлардан қочмаса, чорва моллар парваришини зоотехника қоидалари асосида олиб борса, барча орқа чорва молларни семиртириши мумкин.

Район бош ветеринария врачи Шомил Багданов бошчилигидаги мутахассислар ўтган қишлов даврида ҳамма чорва моллар, хусусан қўйларни тўла сақлаб қолишда тахсинга сазовор ишлар қилдилар. Жамғарилган ем-хашак ҳар бир отар, ферма бўйича чорва молларнинг сонига қараб тақсимлаб чиқилди, уни сарфлаш устидан қаттиқ назорат олиб борилди. Ем-хашакни чиқитга чиқармаслик учун буғлаб озуқа тайёрлаш усули ишлаб чиқилди, бунда ДКУ агрегатларидан кенг қўламда фойдаланилди. Зарур миқдорда эҳтиёт фонди сақлаб турилди. Шу йўл билан ҳам чорва моллар омон сақлаб қолинди, ҳам бу борада бой тажриба орттирилди.

Район партия комитети ва район ижроия комитети даҳлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда келажак қишловлар учун ем-хашак тайёрлаш юзасидан аниқ режалар белгилади. Бунда яйловларнинг ҳолати, ишчи кучи, механизмлар, қўшимча резервлар тўла ҳисобга олинди. Ҳар бир отар, ферма, хўжаликка графиклар берилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, районимиз бўйича қишловни бехатар ўтказиш учун 30 минг 600 тонна дағал хашак жамғармогимиз керак. Лекин бу йил яйловларда, тоғ бағри зоналарида ўт-ўлан сероб бўлди, ёғингарчиликлар туфайли хашак миқдори ортди. Шуни ҳисобга олиб, районимиз меҳнаткашлари бу йил 63 минг тонна дағал хашак тайёрлашга азму қарор қилдилар. Бу мажбуриятни бажариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Чорвадорларимиз ем-хашак тайёрлаш тезкорлик билан давом эттирмоқдалар. Шу кунларда Нурота тоғлари, Қизил Ўрда чўллари, Қорақалпоғистон пахтазорларига туташган яйловларда, Сирдарё соҳилларида 350 киши хашак ўримида фаол қатнашмоқда, хашак ўрадиган, тўплайдиган, ғарамлайдиган, майдалайдиган машиналар ва агрегатлар шу мақсадга сафарбар этилган. Ем-хашакнинг тақдири ҳал қилинаётган жойларда коммунистлар, маҳаллий Советларнинг депутатлари, комсомол-ёшлар авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Шу кунга қадар районимиз бўйича 35 минг тонна дағал хашак жамғарилиб, чорва фермалари, отарлар ёнига ғарамлаб қўйилди.

Лекин бу ишнинг бошланиши холос. Ўтган йил сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз, ҳар йили камида икки йилга етадиган миқдорда ем-хашак жамғаришни одат тусига киритмоғимиз керак. Чунки бундан кейин ҳам чорва моллар туёқ сонини муттасил кўпайтириб борамиз ва давлатга фақат юқори сифатли қоракўл тери, жун, гўшт ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб берамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Бухоро область партия комитетининг ташаббуси билан районимизга чорвачиликни янада тараққий эттириш мақсадида суғорилади ган ерлардан бедазорлар ажратиб берилди. Бу йил салкам 10 минг тонна беда тайёрлашни кўзда тутган эдик. Ҳосил яхши бўлди Фурсатдан фойдаланиб, икки ўримдаёқ 13 минг тонна беда пичани тайёрлашга муваффақ бўлдик. Яна ҳамма майдонларда уч ўрим ўтказиш ниятимиз бор. Ҳар ўримдан кейин бедазорларни бороналаб, маҳаллий ўғитлар билан ўғитлаяпмиз,сўнгра суғориб, ҳосилдорликни оширяпмиз. «Коммунизм», «Конимех», «Шофиркон», «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари ҳозирдаёқ бир ярим йиллик план миқдорида беда пичани жамғариб олишга эришдилар.

Яқинда хўжалик раҳбарлари, бедачилик бригадаларининг аъзолари, механизаторларнинг семинарини ўтказиб, бедани ўриш, сўлитиш, сенаж бостириш, пичан тайёрлаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари ҳақида маслаҳатлашиб олдик, беда парвариши ва ўримига қўшимча ишчи кучи, ўғит, техника воситалари ажратишга келишдик. Ҳар бир хўжаликда камида икки йиллик эҳтиёжни қоплайдиган даражада сенаж ва беда пичани бўлишини таъминлаймиз. Бунинг учун гектаридан олинадиган беда ҳосилини камида 150-160 центнерга етказамиз.

Чорва қишлови билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар ҳам кун сайин кучайтириляпти. Ҳамма хўжаликларда қўйхоналар ремонти авж олдириляпти, янгиларини қуриш кучайтириляпти. «Шофиркон», «Ғиждувон», Калинин номли совхозларда темир-бетон конструкциялар асосида яратилган, қишнинг тўрт фаслига ҳам мос келадиган кошарлар қад кўтаряпти. Яқин фурсатда урчитиш кампанияси бошланишини ҳисобга олиб, бу борада ҳам тегишли тадбирлар амалга ошириляпти. Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзолари ҳақида ғамхўрлик кучайтириляпти.

Район партия комитети чорвадорлар орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйди. КПСС XXIV съезди партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорлари тўғрисида мунтазам лекциялар ўқиляпти, суҳбатлар ўтказиляпти. СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги шарафига қизғин давом этаётган социалистик мусобақа Қизилқум яйловларида ҳармай-толмай хизмат қилаётган чорвадорларимизни янги меҳнат зафарларига чорлаяпти

Бироқ бундан ҳамма иш жойида, камчиликсиз йўқ деган хулоса чиқариш нотўғри бўлур эди. Ҳали анча нуқсонларимиз бор, нозиқликларга йўл қўйяпмиз. Хўжаликларимизнинг эҳтиёжи учун камида 1500 та иссиқ қўйхона керак. Афсуски, янги қўйхоналар қурилиши сусткашлик билан олиб бориляпти. Хашак тўплаш билан уни ДКУда майдалаш орасида узилиш бўляпти. Суғориш шохобчаларини тартибга келтириш эътибордан четда қоляпти. Вазият тиғиз келишига қарамай, айрим хўжаликлардаги техника воситалари ва механизмлар хашак ўримига тўла сафарбар этилмаяпти. Ўтган йили қишлов даврида нураган ва қулаган чорва бинолари ҳали тўла тикланган эмас. Район партия ва совет ташкилотлари бу камчиликларни тез орада тугатиш учун ҳамма чораларни кўраётирлар.

Районимиз меҳнаткашлари бутун куч ва техника воситаларини ишга солиб, чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, чорва қишловига ҳар жиҳатдан пухта тараддуд кўрадилар. Бу СССРнинг 50 йиллик байрамига тайёрлаган муносиб тўёнамиз бўлади.

А. ПЕТРОСЯН,
Конимех район партия комитетининг биринчи секретари.
С. ТУҲАНОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси.

Советлар мамлакатида

ЯНГИ МУТАХАССИС КАДРЛАР

УССУРИЙСК. Яқинда Приморье қишлоқ хўжалик институтида инженер-гидро техникларнинг битирув маросими бўлди. Юздан ортиқ ёш мутахассис диплом олди.

Институтни битирган студентларнинг деярли барчаси ўлкадаги энг яхши хисобланган «Гидротехник» отрядида фаол қатнашдилар. Улар бу ерда мелиоратив системаларни қуриш тажрибалари билан танишиб, ўргандилар.

Приморье ўлкасида энг ёш факультетлардан ҳисобланган гидромелиоратив факультети Узоқ Шарқнинг комсомол қурилишлари учун 300 га яқин инженер-гидротехник етказиб берди.

ВРАЧ—ТАРЖИМОН

ЛИТВА. Литва ёзувчиси Миколас Слуцкиснинг урушдан кейинги биринчи йиллар, қишлоқлардаги синфий жангларни акс эттирувчи «Осмонга пиллапоя» номли романини Вильнюс касалхонасининг врачи Ольга Коваленко-Градаускене украин тилига таржима қилди. Украинаник ўқувчилар унинг таржимаси орқали кўпгина Литва эртакларини А. Беляускаснинг «Каунас» романини ва кўпгина литва ёзувчиларининг асарларини ўқийдилар.

Литвада турғун бўлиб қолган ёш врач литва тилини пухта ўрганиб олганидан кейин таржима билан шуғулланабошлади. Тез орада таржимачилик унинг иккинчи касби бўлиб қолди.

ЎРИМ-ЙИҒИМГА КИРИШДИЛАР

РЯЗАНЬ. Барча комбайн ва жатналар далаларга олиб чиқилди: механизаторлар танлаб ўришни бошлаб юбордилар. Яқинда бўлиб ўтган ёғингарчилик натижасида кўпгина ерлардаги ғалла ётиб қолди. Бу эса қўшимча қийинчилик келтириб чиқарди.

Етиб қолган ғалланы ўриш учун комбайн ва ўрим агрегатлари мослаштирилди. Ғаллакор колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ишлаб чиққан тажрибага асосан ўрим-йиғим ишлари графикка мувофиқ олиб борилаётир.

Хўжаликларнинг барчасида ўрим-йиғимда техникадан унумли фойдаланиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа янада қизитиб юборилди.

ҲАР БИР УЙДА ГАЗ

ҚОЗОН. «Овешчевод» совхозининг сут соғувчиси А. Ф. Мишиканинг уйида «Союзтатгаз» трестининг юз мингинчи газ плитаси ўрнатилди.

Ҳозир қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги уйида бундай газ плиталарини учратиш мумкин. Трест экономистлари газлаштириш ҳисобига ҳар бир оила йилига 70 сўмдан пул жамғариш мумкинлигини аниқлаб чиқдилар. Беш йиллик охирига бориб қишлоқ меҳнаткашларидан 70 процентга яқининнинг хонадонини газлаштириш мўлжаллаб қўйилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш объектлари ҳам газлаштирилади.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

АШХОБОД, Мари, Чоржўй ва Тошовуз областларида қишлоқ хўжалиги юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини ўзаро текширишдан ўтказиш тамомланди.

Ғўзанинг бултургига нисбатан ривожланишдан кейинда қолиши пахта майдонларини яхши парвариш қилиш туфайли асосан тугатилганлиги муҳокамада таъкидлаб ўтилди. Мари областидаги, Амударё водийсининг жанубидаги кўпгина хўжаликларда ҳар бир туп ғўзада ҳозироқ 5-7 тадан кўсак санаш мумкин. Ҳовузхон воҳасида экин барвақт ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Мурғоб, Тежен, Амударё водийларидаги, Қорақум канали зонасидаги кўпгина хўжаликларда ғўзани механизация воситасида чеканка қилишга киришиш тавсия этилди. Илғор хўжаликларда чеканка ҳозироқ бошланди. Пахтани йиғиштириб оладиган техникани ремонт қилишни жадаллаштириш кераклиги айтилди.

(ТАСС).

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг 2-механика цехи коллективи СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги шарафига авж олдирилгна социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бораётир. Ишлаб чиқариш ойлик ва квартал планларини доимо ошириб адо этишяпти. Суратда: зиммасига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилаётган механика цехнинг бир группа илғорларини кўриб турибсиз.

А. ТУРАЕВ фотоси.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

ТЎЁНА

«СССР ташкил этилган куннинг 50 йиллигини муносиб кутиб оламиз»! Қисмимиз солдатларининг шиори ана шундай. Улар ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришиш билан бирга меҳнатда ҳам зўр муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Қурилиш пешқадамлари Машрабжон Жулаков, Алишер Бўстонов, Камолиддин Абдувоҳидов, Абдумаппоп Абдурахимов ва Камолиддин Қўлдошев кабилар ана шулар жумласидандир. Улар командирлик томонидан бир неча бор рағбатлантирилдилар. Ефрейтор, сержант унвонларига сазовор бўлдилар. Ҳозир қуролдошлар кўкрагида «Совет Армияси аълочиси» аначоги порлаб турибди.

БИЗНИНГ ШАХМАТЧИМИЗ

Оддий солдат Улуғбек Зулунов номини қисмимизда ҳурмат билан тилга оладилар. Уни кўпчилик «бизнинг шахматчимиз» деб атайди. Бу йигит ўзининг интизомлилиги, ҳушмуомаласи билангина эмас, шахмат соҳасидаги билимдонлиги ва ажойиб ўйинлари билан ҳам сафдошлари эътиборига сазовор бўлмоқда. Улуғбек яқинда бўлган мусобақада биринчи ўринни олди. Бунинг учун у ташаккурнома, мақтов қоғози билан мукофотланди.

Биз андижонлик дўстимиз Улуғбек Зулуновга хизматда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Э. ТОШПУЛАТОВ.

ҲАЁТ МАКТАБИ

Солдатлик ҳаётини ҳаёт мактаби — чиниқиш мактаби, дейишганча бор экан. Мана, хизматни бошлаганимизга ҳам бир йилдан ошиб қолди. Бу вақт ичида ҳам жисмонан, ҳам сиёсий жиҳатдан чиниқдик, жуда кўп нарсаларни ўргандик.

Энг муҳими, ажойиб дўстлар орттирдик. Абдурашид Сайдазимов билан Иброҳимжон Сулаймонов мазали таомлар пишириб, ҳаммани ҳурсанд қилаётган бўлсалар, Раҳмонжон Умаров, Иброҳимжон Турсунов, Ҳусанбой Собиржоновлар ҳарбий билим ва жанговар техникани эгаллашда бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

М. ТУРҒУНОВ.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан О. Рўзиметов, О. Турғунов, У Донаев, У. Андақулов, А. Наимов, Н. Усмонов ва бошқа ўртоқлар йўллаган хат ва хабарларда Ватан посбонлари ҳаёти, уларнинг интилишлари, орзу-умидлари тўғрисида, йигитлик бурчларини қандай адо этаётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«МЕДИЦИНА ТЕХНИКАСИ» ЯНГИ БИНОДА

Ўзбекистон пойтахтининг Богдан Хмельницкий кўчасида янги тўққиз қаватли бинода Ўрта Осиёда энг катта ихтисослаштирилган медицина техникаси магазини очилди. 500 квадрат метр кенглиқдаги катта залда диагностика ва даволаш аппаратлари намойиш қилинган. Бу ерда рентген, физиотерапия ва хирургия кабинетлари учун асбоб-ускуналар комплекси билан танишиб чиқиш, консультация олиш мумкин. (ЎзТАГ).

Ажабсавдолар

УЗУҚ ЛЕНТА

Хоразм область кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Мадраҳим Юсупов уйқудан кўзини очиб, у ёқ-бу ёғига қараса, ҳеч ким йўқ. Ичига туфлаб, ўз-ўзича сўзлади:

— Ажабо, бу қанақаси бўлди? Ухламасанг — кун бўйи ланжсан, эснаганинг-эснаган. Ухласанг — нуқул бемаза туш, ваҳима. Бу кеча кўрган тушим ҳаммасидан ошиб тушди. Ўзим ҳақимда яратилган картинани кўриб ўтириб, ғазабим қайнаб кетибди. Сир-асрорим ошкор бўлишидан чўчиб, лентани қайчи билан қирқиб ташлабман, Ҳайрият, бахтимга куланкир хўрозим бор экан, қичқириб уйғотиб юборди.

Ленталар, узуқ ленталар... ўша узуқ ленталар унинг кўз ўнгидан нари кетмасди. Келинг энди, Мадраҳим Юсуповни ёқимсиз тушдан кейин бир лаҳза ўз ҳолига тиниб қўйиб, узуқ лентани улашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бор-ди-ю, бу ишнинг уддасидан чиқсак, биз экранда кўрадиган манзара қуйидагича бўларди.

...Бошқарма бошлиғи Юсуповнинг кабинети. Креслода ўзлари қомат кериб ўтирибдилар. Аниқроғи, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш, бўйруқларга имзо чекиш билан машғуллар, яъни муҳим иш билан бандлар. Бошлиқнинг ҳузурларига Отахон Саъдуллаев таъзим ила киради Илгари давлат мулкини талон-торож қилган, судланган бу шахс Юсуповнинг қўлларидан ўпади, юзларига маъноли тикилиб туради. Бошлиқ уни тушунади ва муддао ҳосил бўлади. «Шу кундан бошлаб бош бухгалтерсан. Мен Ҳасан бўлсам, сен Ҳусан бўлишинг керак», — дея Юсупов илжайиб қўяди.

Мана, энди Римма Дмитриевна Катлунина бошлиқ ҳузурида. Давлат мулкини ўғирлаганлиги учун судланган бу аёл бироз дудуқланиб турди: «Ўртоқ Юсупов, касални яширсам, ниситмаси ошкор қилиши мумкин. Судланганим ҳақ. Гарданимга туташан пулни ҳали тўлиқ тўлаб улгурмадим. Давлатдан 2343 сўм қарздорман».

Юсупов кошини маъноли чимирди ва: «Ҳечқиси йўқ, қарз узилмай қолмас. Шу кундан бошлаб кинотеатрга катта бухгалтерсан!» — деди унга. «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатри директори Пошша Бобожоновнинг эътирозига қарамай, қиғир қўлли Катлунина катта бухгалтер қилиб тайинланди.

Кадр танлаш «қизғин» давом этади. Ичкиликбозликка мукасидан кетган, ҳисобидан адашиб ҳамёнидан айрилаёзган Камол Еркебоев бошқарма ревизори сифатида буйруқ олди. Юсупов ўз куёви Ибодулла Оллобергановни бошқарманинг бош инженери вазифасига ўрнаштирди. Иниси Сафо, синглиси Мунаввар ва бошқа уруғ-аймоқлари ҳам бошлиқ акасининг паноҳида ёғлиқ ишга жойлашиб олдилар.

Лентанинг кадрлар танлашга доир қисмидан сўнг экранда кейинги даврда юз берган кўнгилсиз воқеалар гавдаланади. Урганч шаҳридаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатрида уч йил ичида 24 минг сўмдан зиёд камомад содир бўлганлиги, кинотеатрнинг катта кассири Шокированинг қиғир ишлари, кинотеатр бухгалтери вазифасида ўриндошлик йўли билан ишлаган Роза Бартенова, катта бухгалтер Римма Катлунина томонидан йўл қўйилган сунистеъмоллар жонли эпизодларда бирин-кетин очила боради. Кино билетларидан тушган пулларни кирим қилмаслик, ҳужжатларни сохталаштириш, нотўғри ҳисоб чиқаришлар, ишламаган кишиларга маош ёзиб ўзлаштиришлар экранда яққол намоён бўлади.

Баъзи кичик эпизодларга ҳам диққат қилинг: катта кассир Шокирова уч кун ичида 400 сўм пулни ўз фойдасига ўзлаштириб, жиноят устида қўлга тушганида, бошқарма бошлиғи Юсупов унинг жонига оро кириб, пулни ундириш билан чекланади. Ревизия пайтида «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатрида уч ой ичида 3900 сўм камомад чиққанида, бошлиқ Юсупов ревизия актини стол тортмасига бекитиб, маҳкам қулфлаб қўяди. Бошқарманинг «Тембр» типидаги магнитофони Юсуповнинг қариндоши Оллоберганов томонидан ўзлаштирилади. Бошқармага қарашли «ГАЗ-69» автомобили «яроқсиз бўлганлиги учун темир-терсакка топширилди» деган баҳона билан гумдон қилинади.

Яқинда узуқ лентадан гап очилди. Область кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Мадраҳим Юсупов асабий бир тусда: «Бу лаънати тушнинг таъбири қандоқ бўларкин?» — деб қўйди Бундай тушларнинг таъбирини прокуратура ходимлари яхши билишади

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

АҚШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЯНГИ РАИСИ

ВАШИНГТОН, АҚШ президенти лавозимига демократик партиядан номзод қилиб кўрсатилган Жорж Макговерн Оьбрайеннинг партия миллий раиси лавозимидан шахсий сабабларга кўра истеъфо берганлиги эълон қилди.

Макговерн, партия раислиги лавозимини негр аёл Жейн Уэствуд эгаллайди, деб ҳам эълон қилди.

Жейн Уэствуд сайлов олди кампаниясида актив қатнашмоқда. У Макговернни сайлаш комитетининг ҳам раиси эди. (ТАСС).

ШАХСНИНГ МУКАММАЛ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН

ТУНИС. Болалар ва ёшларга музика-эстетик тарбия беришга бағишланиб бу ерда ўтказилаётган халқаро конгрессда бугун Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси Аҳмад Жабборов сўзга чиқди. У Совет Иттифоқида, жумладан Ўрта Осиё Республикаларида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин жуда катта маданий ўзгаришлар рўй берганлигини айтиб ўтди.

Нотиқ Ўзбекистонни мисолга олиб, Совет ҳокимияти йилларида СССРда шахснинг ҳар томонлама мукаммал ривожланиши учун, ёш авлодга музика ва эстетик тарбия бермоқ учун қандай қулай шароит яратилганлигини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистонда, деди композитор А. Жабборов, турли хил хор, рақс, чолғу ва театр-драма бадиий ҳаваскорлик тўгараклари тузилган. Оммавий музика ҳаракати чинакам юксалганлигини аҳолининг ғоят хилма-хил табақалари музика таълимига зўр бериб интилаётганлиги яққол кўрсатиб турибди.

Ҳозирги вақтда, деди провардида А. Жабборов, республикада 200 га яқин ўрта ва олий музика ўқув юртлари ишлаб турибди. Ўзбекистоннинг 3500 га яқин умумий таълим мактабларининг деярли ҳаммасида ҳам музика дарслари ўқитилмоқда. (ТАСС).

Оқинаванинг маъмурий маркази Нахи аҳолиси Япония оролларида АҚШ ҳарбий базаларининг сақланишига қарши норозилик намойиши ўтказишди. Улар меҳнаткашлар ҳаёт шароитининг яхшиланишини талаб қилиб чиқмоқдалар.

Г. Раховецкий фотоси. (ТАСС).

Жазоир Халқ Демократик Республикаси ҳукумати турли кооперациялар ташкил этишга катта эътибор бермоқда. Хўжаликни коллектив бўлиб бошқаришда фақат деҳқонларгина эмас, балиқчилар ҳам иштирок этишмоқда. Суратда: Жазоирга яқин бўлган балиқчилар кооперативи жойлашган қиргоқ.

В. Петров фотоси. (ТАСС).

ШАХМАТ

ПРЕЗИДЕНТ ҲАЯЖОНДА

Матбуот хабарларига қараганда, америкалик гроссмейстер Роберт Фишер янги-янги қилиқлар чиқараётгани маълум. Унинг бир гапда турмаслиги ва ўта инжиқлиги муҳислар у ёқда турсин, ФИДЕ президенти Макс Эйвеннинг ҳам бошини қотириб юборди. Бугина эмас, президент даъвогарнинг инжиқликларидан ҳаяжонланаётганлигини Голландиядаги газеталар таъкидлашмоқда.

... Учинчи партия ўйналиш олдидан ҳам ғалати воқеалар юз берди. Фишер Нью-Йоркка кетиш учун самолётга билет олиб қўйган экан. Бироқ жаҳон шахмат федерацияси: агар Фишер 18 июльда бўладиган тўртинчи партия учрашувига ҳам қатнашмаса, матч тугалланган деб ҳисобланади ва Спасский жаҳон чемпиони деб эълон қилинади, деган мазмунда қарор қабул қилди. Мусобақа бош судьяси шуни ҳам таъкидладики, американ гроссмейстер бундай тақдирда мағлуб учун бериладиган маблағдан ҳам маҳрум бўлади.

Ниҳоят, Нью-Йоркка самолёт гроссмейстерсиз кетди. Учинчи партия ўйналишига томошабинлар белгиланганидан олдинроқ келишди. Улар залга киришганда, экранда саҳна орқасидаги хона тасвири акс этарди. Бу ерга гроссмейстерлар тўпланишганди. Олдин мусобақа бош судьяси, кейин унинг ёрдамчиси пайдо бўлди. Спасский билан Фишер олдинма-кейин кириб келишди. Судья соатни юргизиб юборди. Яна тўхтаб. Экранда музокара бораётгани кўринялтию, ҳозирча тайин гап айтиш қийин эди. 10 минутчадан кейин Лотар Шмид яна соат тугмасини босди. Сўнгра, ўйин қоидаларига мувофиқ саҳнадаги шарт-шароит жаҳон биринчилиги учун курашаётганларнинг бирига ёқмаса, учрашув томошабинларсиз алоҳида хонага кўчирилиши мумкинлигини маълум қилди.

Фишернинг яна бир тантиқлиги важидан учрашув бошқа хонага кўчирилди. 2:0 ҳисобида пешқадам бўлиб турган Борис Спасский фарзин пиёдасини иккита сурди. Даъвогар унга жавобан от юрди... 41 юришда ўйин кечиктирилди.

Матбуот ўрганлари жаҳон биринчилиги тафсилотларини оқизмай-томизмай ўқувчиларга етказиб турибдилар. Фишернинг ўйинга келмай қолишига ҳеч қандай ҳаққи йўқ эди. Бунинг устига маҳаллий вақт билан соат 12 дан олдин ҳеч қанақа врач ҳужжатини кўрсатолмади, деб ёзади иккинчи партия ҳақида «Альтидюбладид» газетаси. Шу газета яна ёзади: Фишернинг ҳатти-ҳаракатларини тушуниб бўлмайди. У биринчи ўйинни муваффақиятсиз ўтказди. Балки энди ўйнашни хоҳламас. Ундай ҳолда яхшиси очиғини айтиб қўяқолсин.

Голландияда чиқадиган «Эл зефирис» ҳафталик газетаси ФИДЕ президенти Макс Эйвеннинг шу кеча-кундузги ўй-фикрларини ўқувчиларига маълум қилди. Президент газета мухбирининг саволига берган жавобларида мана шундай деган: «Даъвогар келтириб чиқараётган янги-янги мушкул аҳволдан ғоят ҳаяжондаман».

Амстердамдаги келишув чоғида, АҚШ гроссмейстери Роберт Фишер, «Рейкьявикдаги ўйинни қани энди ҳамма америкаликлар кўраоладиган бўлса» деганди. Эндиликда телекамера у ёқда турсин, кинокамера ҳам унга ортиқчалик қилаётганмиш. Унинг бу қиликлари Макс Эйве айтмоқчи, муҳислларнинг сабр косасини тўлдириб юборди. Тўлдириб юбордигина эмас, ошириб ҳам юборди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ҚОҲИРА.** Ҳозирги вақтда Миср аҳолиси 34,2 миллион кишидан иборат. МЕН агентлигининг хабар беришича, Миср аҳолиси 1960 йилдагига нисбатан 33,5 процент кўпайган.

◆ **ВАРШАВА.** Поляк пионерлари союзининг марказий халқаро лагери Катовиц районида очилди. Бу ерда 14 мамлакатдаги пионерлар ва болалар ташкилотларининг вакиллари дам оладилар. Лагерда совет пионерларининг катта бир группаси хам дам олади.

◆ **БЕРЛИН.** Германия Демократик Республикасида касаба союзларнинг дам олиш уйларини ва шифохоналарини яна-да кенгайтиришга ушбу беш йилликда 450 миллион марка сарфланади. Эркин немис касаба союзлари бирлашмаси VIII конгрессининг қарорларига мувофиқ бу маблағларнинг кўпчилик қисми дам олиш уйларини қуришга сарфланади. (ТАСС).

ҲАЛҚАРО ОБЗОР

СЎЛ КУЧЛАР БИРЛИГИ

Франциядa сўл кучларнинг ҳаракат бирлиги учун мустаҳкам негиз вужудга келтирилди. Франция Коммунистик партияси билан Франция Социалистик партияси ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг қабул қилинган қўшма ҳукумат программаси сўл кучларни жипслаштиришнинг реал платформаси бўлиб қолмоқда. Энди бу программани Франция Коммунистик партиясининг июлдаги миллий конференцияси ва Социалистик партиянинг миллий конвенцияси ҳам тасдиқлади. 13 июлда Парижда сўл радикаллар қўшма ҳукумат программасига қўшилганликлари тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. «Эндиликда биз, деди Франция Коммунистик партияси Бош секретарининг ўринбосари Жорж Марше, — ишлаб чиқилган, қабул қилинган ва маъқулланган программанинг тантана қилишини таъминлашни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Биз барча французларни кенг халқ иттифоқига жипслаштириш кампаниясини мана шу рухда бошлаймиз».

Ишчилар синфининг бирлиги ва барча демократик кучларнинг иттифоқи учун кураш — коммунистларнинг доимий принципиал сиёсатидир. Бундай иттифоқ йирик капиталга ва реакцияга қарши қилинаётган ҳаракатлар муваффақият қозонишини таъминлайдиган асосий гарантия бўлади. Халқ фронти анъаналари Францияда ҳали ҳам унутилгани йўқ. Меҳнаткашлар сўл кучлар билан иттифоқ тузиб, жипслашишга муваффақ бўлганларидагина энг кўп муваффақиятларга эришганликларини халқ оммаси яхши билади. Ҳаракат бирлиги тўғрисида коммунистлар билан социалистлар ўртасида аҳднома тузилган, сўнгра эса халқ фронти тузилиб, муҳим социал ғалабаларга эришилган 1934 йилда шундай бўлган эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида миллий фронт тузилиб, қаршилик миллий кенгашининг программаси қабул қилинган Қаршилик ҳаракати даврида шундай бўлган эди. Мамлакатни озод қилиш даврида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда шундай бўлган эди. Ўша вақтда коммунистлар социалистлар билан бирга ҳукумат коалициясига аъзо бўлиб кирган эдилар.

1969 йилда ўтказилган президент сайловида Социалистик партия муваффақиятсизликка учраганидан кейин ўнглар билан тузилган ҳалокатли блокдан воз кечишга ва сўл кучлар билан иттифоқ тузиш йўлига ўтишга қарор қилди. Бу йўл Франция Коммунистик партияси билан қўшма ҳукумат программасини қабул қилишга олиб келди.

Францияга социализм йўлини очиб бермоқ учун бу программа мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва социал ҳаётида чуқур ўзгаришлар қилишни кўзда тутади. Экономиканинг энг асосий тармоқларини, аввало, банклар ва молия секторини, кон, руда, химия, авиация саноатини, космик саноатни, металлургия ва ядро саноат тармоқ корхоналарини национализация қилиш таклиф этилмоқда. Шу корхоналарни национализация қилиш ҳозирги вақтда бутун Франция экономикасини эгаллаб турган гигант монополияларнинг ҳукмронлигини анча чеклаб қўйишга имкон беради.

Корпорацияларга солиқ солиш соҳасидаги имтиёзларни тугатиш, спекуляцияга ва капиталларнинг четга чиқарилаётганлигига қарши самарали кураш олиб бориш, ҳарбий харажатларни қисқартириш натижасида социал ўзгаришларнинг кенг программасини амалга оширмоқ учун зарур молиявий маблағлар таъминланади. Программада ишсизликни тугатиш, иш ҳафтасини қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, текин ўқитишни ва медицина хизмати кўрсатишни жорий қилиш ҳам кўзда тутилган. «Шахсий ҳокимият» режимидан қолган, сўл партиялар ва демократик ташкилотларнинг ҳуқуқларини камситиб турган қонунларни бекор қилиш тўғрисидаги таклиф демократлаштириш манфаатларини кўзда тутади.

Францияда, Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида реакция тўхтовсиз хуруж қилиб турган шароитда сўл кучларнинг ҳаракат бирлиги мустаҳкамланмоқда. Италияда Социалистик партия вакилларини ўз сафига олмай туриб, айни бир вақтда Коммунистик партияга нисбатан душманлик позициясига ўтиб олган Андреотти ҳукумати тузилганлиги очиқдан-очиқ ўнгга бурилишнинг ўзи бўлди.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ СЪЕЗДИДАН СЎНГ

Оқ уйдаги президентлик курсиси учун АҚШда олиб борилаётган сайлов олди кураши қай тарзда давом этиши энди очиқ-равшан бўлиб қолди. Курорт шаҳрчаси бўлган Майами-Бичда ўтказилаётган демократик партия съезди шиддатли курашдан сўнг Жанубий Дакотадан сайланган сенатор Жорж Макговернни Қўшма Штатлар президентлиги лавозимига ўзининг расмий номзоди қилиб кўрсатишга қарор қилди. Овозга қўйишнинг биринчи даврасида Макговерн учун съезддаги 3016 делегатдан 1865 делегат овоз берди. Ҳарбий саноат комплексининг одами бўлган сенатор Жексонга эса 487 овоз ва Алабама штатининг губернатори ирқчи Уоллесга 378 овоз берилди. Макговернинг энг кучли икки рақиби — сенаторлар Хэмфри ва Макси овозга қўйилмасданоқ ўз номзодларини кўрсатишдан воз кечдилар, чунки «Макговернни тўхтатинглар» деган ҳаракат бу сенаторларга кутилган натижаларни бермади. Партия корчалонларининг зимдан қиладиган найранглари илгари шу корчалонларга кутилган натижаларни бериб келган бўлса ҳам, аммо бу сафар бу найранглар ҳам иш бермади.

Жорж Макговерн — тажрибали сиёсий арбоб, у 1922 йилда Жанубий Дакота штатидаги унчалик катта бўлмаган Эйвон деган шаҳарда туғилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида у бомбардимончи самолёт учувчиси бўлиб Европада жанг қилган ва бир неча жанговар мукофотлар олган. Макговернинг таржимаи ҳолини ёзиш билан ном чиқарган Роберт Энсоннинг айтишича қараганда, у урушдан «бутунлай бошқа киши» бўлиб қайтган экан.

Ж. Макговерн урушдан кейинги дастлабки йилларни эслаб, ўша вақтда прогрессив партия раҳбари Генри Уоллеснинг қарашларига тўла равишда қўшилганлигини айтади: «Қўшма Штатларнинг ташқи сиёсати ҳеч бир эҳтиёж бўлмаган ҳолда Совет Иттифоқи билан кескинликни кучайтиришга олиб боришини ўша вақтда тушунган эдим», дейди. Ж. Макговерн 1952 йилда АҚШ конгрессининг вакиллар палатасига сайланади, 1962 йилда эса Кеннедилар хонадони етарли равишда пул билан таъминлаб турган сайлов олди кампанияси натижасида сенат аъзоси бўлиб сайланади.

Ички сиёсат соҳасида Макговернинг программаси буржуа ислоҳатлари доирасидан четга чиқмайди. У ҳозирги Американинг кризисга учраган проблемаларини ҳал этишни ҳукмрон синф ўз манфаатларини кўзлаб ортиқ орқага суролмаслигини яхши билади. Шунинг учун ҳам у ҳарбий бюджетни йилига 32,5 миллиард доллар миқдорида қисқартиришни ва Вьетнамдаги «авантюрага чек қўйишни, корпорацияларнинг фойдаларига солинадиган солиқни кўпайтиришни, шу тариқа ҳосил бўлган маблағлардан ишсизликни, камбағалчиликни тугатиш учун олиб борилаётган кураш ҳамда ҳозирги Американинг бошқа баъзи социал-иқтисодий иллатларини даволаш мақсадларида фойдаланишни таклиф қилмоқда. Шу программа туфайли у бирламчи сайловда ва Майами-Бичдаги съездда муваффақият қозонди. Шу муносабат билан «Вашингтон пост» газетаси «съездда қабул қилинган сайлов олди платформасини жиддий программа деб ўйламаслик керак» деган мазмунда тўғридан тўғри огоҳлантирмоқда. Гап шундаки, Макговернинг қимматга тушадиган сайловолди кампаниясини пул билан таъминлаётган катта бизнес «короллари» уни корпорацияларга солинадиган солиқларни ошириш планларидан ва бошқа «зарарли ниятларидан» воз кечишга мажбур қилмоқчи эканликларини яшираётганлари йўқ. Агар Макговерн уларнинг гапига қулоқ солмаса, президентлик курсиси учун ҳал қилувчи пайт келганда, унга пул беришни тўхтатиб қўя қоладилар. Уолл-стриттдан чекланмаган миқдорда молиявий мадад олиб турган ҳозирги президент Р. Никсон Макговернинг сайловдаги рақиби эканлиги назарда тутилса, «катта бизнес короллари»нинг Макговернни пул билан таъминлашни тўхтатиб қўйишлари қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аммо ҳозирча Америка матбуоти бўлажак сайловда Никсон ғалаба қилади деб ёзаётган бўлса ҳам, аммо энди буни унчалик зўр ишонч билан айтаётгани йўқ.

Ноябрда ўтказиладиган президент сайловининг натижаси иқтисодий қийинчиликларни бартараф қилмоқ учун республикачилар ҳукумати қандай чоралар кўришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Аммо қолган тўрт ой ичида кучайиб бораётган қимматчиликни жиловлаб қўйиш ва беш ярим миллион кишидан ошиб кетган ишсизликни камайтириш учун республикачилар ҳукуматининг бирон чора кўриши маҳол. Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳаво уруши кенгайиб кетганлиги Вьетнам масаласини сайлов олди курашининг яна муҳим проблемасига айлантириб юборди. Майамидаги съездда демократлар Америка қуролли кучларининг ҳаммасини шу йил 1 октябргача батамом олиб чиқиб кетиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Бутун дунё олдида Американи бадном қилган жиноятқорона уруш-ни давом эттиришдан кўра, мана шу мажбурият Америка сайловчиларини қўпроқ қизиқтириши турган гап, албатта.

С. ЛОСЕВ. (ТАСС).

Марказий разведка бошқармаси ва НАТО қўллаб-қувватлаётган грек ҳарбий хунтаси Кипр оролини НАТОнинг доимий базасига, тинчликсевар халқларга қарши агрессив плацдармга айлантиришга уринмоқда. (Газетадан).

Сэм тоға сайр қилмоқда.
«Вархайт» немис газетасида чизилган сурати.
ТАСС фотохроникаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Давлат банкининг
МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲИСОБ-КРЕДИТ
ТЕХНИКУМИ
1972 — 1973 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМДА: «Пул муомаласи ва кредит», «Давлат банкида ҳисоб ва техника» бўлимлари бўлиб, Давлат банкининг бўлимларида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича ўрта малакали мутахассислар етиштириб чиқарилади: давлат банкининг кредит инспекторлари, давлат банкининг экономист-бухгалтерлари.

Техникумда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга 30 ёшгача бўлган тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати тўлиқсиз ўрта мактабни битирганлар учун — 2 йилу 10 ой, ўрта мактабни битирганлар учун — 1 йилу 10 ой.

Техникумга кирувчилар СССР Олий ва ўрта таълим министрлиги тасдиқлаган программа бўйича қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: тўлиқсиз ўрта мактабларда — она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки); ўрта маълумотлилар учун — она тилидан (иншо), математикадан (оғзаки).

Ўқишга кирувчилар ўзи танлаган мутахассисликни кўрсатиб директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб юборадилар: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), бош кийимсиз олинган 4 дона фотосурат (3х4 см). туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, кўчирма). Паспорти ва ҳарбий билети ёки ҳарбий ҳисобга олинганлиги тўғрисида гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР: ўрта маълумотлилардан 15 августгача, тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан 30 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача давом этади. 21—24 августгача мандат комиссияси ўтказилади.

Техникумда ўқувчилар умумий қондага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Марғилон шаҳри, Ленин кўчаси, 123 «А»-уй (16-мактабнинг илгариги биноси) «Марғилон-Эшонгузар» автобуси, «16- мактаб» бекати).

УЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

барча ташкилотлар, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ва ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

БОШҚАРМА АЭРОПОРТЛАРИДАН УЧАДИГАН ПАССАЖИР САМОЛЁТЛАРИГА ЎРИН бронлашда (банд қилиб қўйишда) ЗАКАЗЧИ ҚУЙИДАГИ ҲАЖМЛАРДА ГАРАНТИЯЛАНГАН АВАНС ТЎЛАБ ҚЎЙИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

группаларни планли ташишда ва рейсларда доимий резерв ўринлар бўлган тақдирда — бир ойга ажратиладиган ўринларнинг умумий сонига тўланадиган суммасининг 25 проценти;

съезд, кенгаш, конференция, слёт, фестиваль ва симпозиумлар қатнашчиларига хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг бир галлик заявкаси бўйича ажратиладиган ўринларнинг умумий сонига тўланадиган, жумладан шу тадбирлар ўтказиладиган жойдаги агентлик кассирлари томонидан сотилган билетлар ҳамда бир галлик заявка бўйича группаларни ташиш суммасининг 25 проценти;

съезд, кенгаш, конференция ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган жойларда ёки ана шу тадбир қатнашчилари турааётган меҳмонхоналарга олдиндан ўрин бронланмаган тақдирда гарантияланган миқдорда (ташкилотларнинг ёзма заявкаси бўйича) заявкадаги ҳар бир пассажирга 50 тийин ҳажмида аванс тўланадиган бўлса, билетлар сотиш учун аэропорт кассирлари ажратилади.

Билетлар сотилгандан сўнг заказчига аванс қайтиб берилади (сотилмаган ўринларга 50 тийиндан ушлаб қолинади).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 10.55 — Кўрсатувлар программаси, 11.00 — «Пиноккио саргузаштлари» қўғирчоқ фильмининг 2-серияси, 12.05 — Фильм-концерт, 12.30 — **Москва** кўрсатувлари.

ТОШКЕНТ. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Болалар учун рус ва ўзбек тилларида эшиттириш, 18.35 — Рус тилида «Инсон ва қонун», 19.05 — «Ёш ижрочилар». **А. Шунуров, Т. Мадаминов** (ўзбек тилида), 19.45 — «АХБОРОТ» программаси.

МОСКВА: 20.00 — Беш йилликнинг иккинчи йили.

ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида.** 20.30 — «АХБОРОТ» программаси, 20.45 — «Халқ жасоратн йилномаси» 20.55 — Бир актёр театри О. Ёқубов «Яхшилик», 21.25 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион университети.

МОСКВА. 22.00 — «ВАҚТ» программаси.

ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** 22.30 — Комилжон Отаниёзов куйлайди. 23.05 — «Каноник Долас саргузаштлари» бадиий фильми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — **Москва кўрсатувлари.**

ТОШКЕНТ. 20.00 — «Ўтдан сақланинг» (рус тилида).

МОСКВА. 20.30 — «Даштдаги қишлоқча» бадиий фильми.

ТОШКЕНТ. 22.00 — Врач маслаҳати (ўзбек тилида).

22.30 — Москва кўрсатувларининг давоми.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 20.00 — «Республикам биографияси»: «Янги қурилишлар ҳавозалари» ҳужжатли фильм, 20.50 — Фильм-спектакль вокал-симфоник сюитаси, 16.50 — «ПРАВДА» газетасининг обзори, 18.00 — **«Ленин васиятлари амалда», «Главголодностепстрой»** бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати Т. Боймиров сўзи. Сирдарё область радиосининг эшиттириши (русча), 18.10 — Танбур тароналари, 18.40 — Спорт эшиттириши, 19.20 — Қорақалпоқ композиторларининг асарлари. 20.00 — Сирдарё ёшлари «ЁШЛИК» радиостанциясининг меҳмони. 20.50 — **«Саломатлик — туман бойлиги»**, 21.00 — Ҳалқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Сирдарё области меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.15 — О. Эминов билан Э. Давлатов куйлайди. 22.40 — **«Замондошларимиз»** Сирдарё область радиосининг адабий эшиттириши, 23.10 — Куйлар тинглаб дам оламиз.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Жонон йигит — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 5.30 ва кеч 9.30 минутларда).

Рам ва Шам — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Прерия — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Кулгили қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Шафтоли гули — «МОСКВА» (кундуз соат 11.40, 3.30 ва кеч 7.30 минутларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Телеграмма — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Сен, мен ва кичик Париж — «КУКЧА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 7.40 — Қуйлардан қўшиқларга, 8.25 — А. Навоий опера ва балет театри солистларининг концерти, 9.30 — МОСКВА. **«Ер ва эл»** радиожурнали, 10.10 — Халқ куйлари. 11.15 — **«Кучимиз — дўстликда».** Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Аҳмедов сўзи. 11.30 — Хор қўшиқлари, 12.15 — Нодир музика ёзувлари. 13.00 — **«Малик совхози чорвадорлари ҳузурида»** Сирдарё область радиосининг эшиттириши. 13.30 — Эстрада концерти, 14.00 — **«Чўлқуварлар — юбилей вахтасида»** Сирдарё область радиосининг эшиттириши, 16.10 — **«Ягона меҳнат сафида»**, 16.25 — С. Юдаков. **«Мирзачўл»**

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қошидаги Ирригация ва совхозлар қурилиши бўйича Ўрта Осиё Бош бошқармаси коллегияси «Каршистрой» бошқармасининг бошлиғи Х. Шоғазатовга отаси

Мажид ШОҒАЗАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1930 йилдан буён КПСС аъзоси

Хайри ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330 683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Ада биёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд —31—972, Термиз — 55—35, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 166. Узбекистон Компартияси Марказий Коми тети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64697. Р. 04325.